

ТЎСИҚ ДЕВОРЛАР ДЎСТЛИК КЎПРИГИГА АЙЛАНГАН МИНТАҚА

Марказий Осиё — қадимий цивилизациялар бешиги, савдо йўллари чорраҳасида жойлашган марказлардан бири. Бу заминда тили, урф-одатлари, қадриятлари, маданияти ўхшаш халқлар тинч-тотув ҳаёт кечирган. Нафақат тарихимиз, балки келажагимиз, ҳаётий муҳим манфаатларимиз ҳам муштарак.



Марказий Осиё руҳи

Ушбу минтақа кўҳна тарихлар саҳнаси, инсониятнинг маънавий, илмий ва маданий юксалишига кўмак берган улкан цивилизация лаборатория бўлиб, бугун Марказий Осиё мероси “инсон

цивилизацияси учун умумий интеллектуал капитал” сифатида баҳоланмоқда. У фақат харита ўртасидаги тоғлар, саҳро ёки дарёлар мажмуаси эмас, тарих қатламлари билан тўқилган, юрак зарбига мос руҳий

тароватга эга “борлиқ спектр” ҳудудидир. Одамлар бу ерни кўрганда, энг аввало, осмоннинг кенглиги, шамолнинг эркинлиги ва элнинг қалбида яшайдиган бирлик ва қўллаб-қувватлаш туйғусини сезади.

Бу бежиз эмас. Чунки у нафақат географик, балки руҳий мувозанат маркази ҳамдир.

Бироқ бир пайтлар Марказий Осиё ер, сув, чегара, темир йўл, автомобиль йўллари, электр энергияси тақсими бора-бора боши берк кўчага кириб қолган эди. Чегаралар ёпилгани, ҳатто чегара постларига олиб борадиган йўллар ҳам бузиб ташлангани бизни бирлаштириш истиқболларидан маҳрум этар, минтақа салоҳиятини муштарак манфаатлар йўлида рўёбга чиқаришига тўсқинлик қиларди.

Ҳар бир мамлакат кўрпани ўзига тортиб, умумий манфаатни ўйлаш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасди. Боз устига, қон-қардош, қуда-анда кўшни халқлар ҳатто тўю маъракада ҳам бир-бириникига бора олмай қолганди. Бу муаммолардан халқ зада бўлди, кўнгли оғриди, норозилик кайфияти кучайди. Мана шу алам ва изтироблар ичида армон билан ўтиб кетганлар қанча!?

Бундай мураккаб вазиятни юмшатиш эса осон эмасди. Минтақадаги бу ҳолат ўнгирилишига кўпчилик ишонмасди ҳам. Давлатимиз раҳбари фаолиятининг илк кунлариданоқ, энг аввало, кўшнилари ўртасидаги музларни эритиш, улар билан самимий муносабатларни қайта тиклашга киришди. Марказий Осиё муаммоларини ҳал этишни ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши деб эълон қилди. Шу тариқа дунёда янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш мақсадлари кучайди.

► Давоми 3-бетда

КОНСТИТУЦИЯ — ИНСОН ҚАДРИ, ЭРКИНЛИК, ТЕНГЛИК ВА АДОЛАТ ГАРОВИ!



ЯНГИЛАНГАН ҚОМУСИМИЗ — ҲУҚУҚИЙ ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Мустақил давлатчилигимиз тарихида илк бор халқ иродаси ва хоҳиши билан қабул қилинган Конституцияни замонавий давлатчилигимизнинг пойдеворига қиёслаш мумкин. Чунки унда миллий давлатчилик борасида эришилган улкан тажриба, бугунги кунда жамият ва давлат бошқаруви олдида турган ўткир ва долзарб масалалар, дунёда сақланиб қолаётган ғоят мураккаб геосиёсий жараёнлар авж олган шароитда “инсон — жамият — давлат” ўртасидаги муносабатларининг пухта ўйланган стратегияси акс этган. Бошқача айтганда, янгиланган Конституция ҳам давлатчилик, ҳам инсон ҳуқуқлари борасида бошланган демократик ислохотларда орта қайтмаслигимизнинг ўзига хос исботи, десак бўлади.

Зеро, Бош қонунимиз миллий тараққиёт давлатчилик моделининг энг муҳим йўлимини белгилаб берувчи, орқага дастуриламали ҳисобланади.

► Давоми 2-бетда

Фармон ва ижро

БОШ МЕЗОН — БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Бугунги кунда давлат ва жамият тараққиётида самарали бошқарув тизимининг ўрни ва аҳамияти ҳар қачонгиданда муҳим. Глобал рақобат, ахборот оқими тезлашуви, технологиялар инқилоби ва аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратишга интилиш бу борада янгича ёндашувларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кечаётган ислохотлар жараёнида бошқарув самарадорлигини ошириш, давлат хизматини янги bosқичга кўтариш ва фуқаролар билан мулоқотни кучайтириш масалалари асосий ўринни эгалламоқда. Давлат хизмати тизимини модернизациялаш, рақамли бошқарувни жорий этиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, республика ва маҳаллий ижро органлари фаолиятини тақомиллаштириш, малакали кадрларни тайёрлаш каби йўналишлар мамлакат тараққиётининг асосий омилига айланмоқда.

Самарали бошқарув чекланган ресурслардан максимал натижа олиш, таҳлил ва прогнозлаштиришга таянган ҳолда оқилона қарор қабул қилиш, шаффофликни таъминлаш ва энг муҳими, инсон

манфаатларига қаратилган фаолият демакдир. Бугунги кунда дунёдаги ривожланган давлатлар тараққиёти ҳам айнан шундай тизимли ёндашувга асосланади. Сингапур, Германия, Финляндия, Жанубий Корея каби мамлакатлар муваффақияти замирида кучли бошқарув сиёсати, инновацион амалий моделлар, рақамли технологияларни жорий этиш ва инсон капиталини доимий ривожлантириш каби муҳим омилларни кўриш мумкин. Ушбу илгор тажрибалар юртимиздаги ислохотлар учун муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Албатта, ҳар қандай ислохот натижадорлигини таъминлашдаги энг муҳим омил кадрлар салоҳияти — инсон ресурсини ривожлантиришдир.

► Давоми 2-бетда

Муносабат

МАҚСАД — ЭЗГУ, ВАЗИФАЛАР — ҚАТЪИЙ

Камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш асосий кун тартибидан тушмай келаётгани, аксинча, натижалар очик таҳлил қилиниб, янги вазифалар белгилаб олинаётгани ният эзгу, мақсад қатъийлигидан далолатдир.



Президентимиз раислигида 19 ноябрь кунини бу борадаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши энг муҳим пайтга тўғри келди. Аввало, ҳукумат, ижро ҳокимияти ва тегишли

вазирликлар, барча мутасаддиларга камбағалликни қисқартириш масаласига диққатни сусайтирмаслик зарурлиги ўқтирилди.

► Давоми 2-бетда

Мулоҳаза



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ФАҚАТ ЁРДАМ КУТИШ ДЕГАНИ ЭМАС

Ҳар кимнинг тақдири ҳар хил. Одам ҳаётда турли синовларга дуч келиши мумкин. Аммо ҳамманинг яшашга, жамиятда муносиб ўрин топишга ҳаққи бор. Ана шундай паллада бугун кўп гапирётганимиз ва ислохотларимизнинг асосий мезонига айланган “инсон қадри учун” деган эзгу ғоянинг аҳамиятини чуқурроқ англай бошлаймиз.

Бугун биз юксак мақсад — демократик ва эркин янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ушбу ғоя асосидаги кенг қўлмали ишларга гувоҳ бўляпмиз. Айниқса, охириги йилларда бу жараён амалда, ҳаётимизда рўй бериб, жамоатчиликнинг фикрини ўзгартирувчи катализаторга айланмоқда. Жумладан, давлат органларининг аҳоли муносабатларига тўғридан тўғри жавоб бериши,

муаммоларини ўрганиб, ҳал қилиши, раҳбарларнинг юзма-юз мулоқоти одатий ҳолга айланди. Ўзбекистоннинг 2021 йилда Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиши, бундай шахсларни ишга олган корхона ва ташкилотлар учун қатор имтиёзлар берилиши ҳам эътиборга молик ишлардан.

► Давоми 5-бетда

ХОРАЗМЛИК ДЕҲҚОНЛАР — ИККИ ҚАРРА ҚАҲРАМОН

Агротармоқ



Мазкур йил хоразмлик деҳқонлар учун баракали келди. Пахта, ғалла ва бошқа тур кишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Аслида, мураккаб иқлим шароитига эга воҳада ердан ризқ-насиба ундириш ҳазилакам иш эмас. Президентимиз Хоразм деҳқонининг машаққатли меҳнатини қадрлаб: “Ёзи жазирама иссиқ, қиши қаҳратон совуқ, ерлари кучли шўрланган бу ҳудудда мўл ҳосил ундириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Шунинг учун хоразмлик деҳқонларни бир эмас, икки марта қаҳрамон, десак ҳеч қандай муболага бўлмайди”, дея юксак баҳо берган эди. Хоразмлик миришкорлар бу юксак ишонч ва эътирофни яна бир бор амалда исботлади.

Жорий йилда вилоят кишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш 33,2 триллион сўмни, ўсиш 102,8 фоизни ташкил этиши кутилган. Воҳа кишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган пахтачиликда бу йил 70 минг гектар майдонга чигит экилиб, ҳар гектардан 48 центнердан, жами 336 минг тоннадан зиёд пахта хомашёси йиғилтириб олинди. Очигини айтганда, бундан 10-15 йил олдин фермерларимиз пахтачиликда

бундай натижага эришишни тасаввур ҳам қила олмасди. Чунки ўша даврларда 40 центнердан пахта етиштирган фермерлар сони вилоят бўйича санокли бўлиб, уларга турли имтиёзлар, навбатсиз автомашиналар бериш каби рағбатлантиришлар бўлар эди.

► Давоми 4-бетда

Халқаро ҳамкорлик

КАСБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИГА МОСЛАШТИРИЛМОҚДА





2025 йил 25 ноябрь, 244-сон

СИЁСАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

МАҚСАД — ЭЗГУ, ВАЗИФАЛАР — ҚАТЪИЙ



Улугбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги фракция
раҳбари

Бошланиши 1-бетда

Албатта, камбағаллиқни қисқартириш осон ва бирдан бўладиган жараён эмас. Энг муҳими, давлатнинг катта ресурс ва имкониятлари шу йўналишга сарфланаётган экан, бу борадаги ишлар тизимли тус олиши, белгиланган ҳар бир чора-тадбир ўз ўрнида ва самарали бўлиши керак.

Жаҳон амалиётида камбағаллиқни аниқлашда беш хил ёндашув мавжуд. Тирриқчилик воситаларидан маҳрумлиқ кўринишидаги камбағаллик, тенгсизлик кўринишидаги камбағаллик, маданий камбағаллик шулардан энг асосийлари. Эътибор берсак, йиғилишда таъкидланган масалалар, белгиланган вазифалар камбағаллиқнинг турли сабабларини баргараф этишга тизимли ёндашувга қаратилди.

Даромад манбаини яратиш, юртдошларимизда “интилса натижа бўлиши”га ишонччи янада мустаҳкамлаш, айниқса, давлат қўлловини етказиши керак бўлган мутасаддиларнинг масъулиятини ошириш долзарб масаладир.

Таъкидланганидек, ўтган даврда бу йўналишдаги ишларни қуйида тўғри ташкил қилиш, маҳаллама маҳалла юриб, янги ташаббусларни топиб, одамлар ҳаётини яхшилашга масъулларнинг моддий ва техник имкониятлари тубдан яхшиланди. Натижада

Муносабат

жорий йил бошидан ишсизлик 4,9 фоизга тушди (ўтган йили 5,5 фоиз бўлган).

Бу борадаги ишларни ташкил қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. **Биринчидан**, қурилиш орқали аҳолини ишли ва даромадли қилиш муҳим йўналишдир.

Келгуси йилда юртимизда 675 триллион сўмлик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган, шундан 380 триллион сўми қурилиш ишларига тўғри келиши соҳада катта имкониятлар борлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун қурилишда камида 20-25 минг, яратилган инфратузилма орқали 10 минг кишининг бандлигини таъминлаш имкончилиги қайд этилди.

Иккинчидан, сервис лойиҳаларини қўпайтириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳам катта йўналиш ҳисобланади. Хизмат кўрсатишда яратилаётган иш ўринлари барқарорлиги ва фуқароларни доимий фаолликка ундаши билан аҳамиятлидир.



Эҳтиёжманд оилалар ҳимоясини кучайтириш, бу борадаги қонуний ҳуқуқларни муҳофаза қилиш долзарб ижтимоий аҳамиятга эга. Жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш масаласини камбағаллиқни қисқартириш вазифалари билан бир хил қўриб бўлмайд. Бу йўналишда алоҳида ёндашув, профессионал муносабат бўлиши зарур.

Шу боис, йиғилишда янги йилдан “Тенг имкон — инклюзив бандлик” лойиҳасини

жорий этиш, ногиронлиги бўлган 40 минг одамни ишли қилиш муҳим экани таъкидланди. Бу борада Бандлик жамғармасидан 30 миллион сўмгача фойсиз ссуда ажратиш йўлга қўйилади.

Бизга келаётган мурожаатларда иқтисодий фаолликка интилаётган, лекин ҳали барқарор даромад топишга улгурмаган оилалар давлат ёрдамидан узиб қўйилаётгани ҳақидагилари кўп бўларди. Бу муаммо айрим оилаларнинг камбағалликка қайтиб қолиш хавфини оширади.

Йиғилишда мазкур жиҳатга алоҳида эътибор берилди. Муҳтож оилаларга ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар сақлаб қолиниши, 6 ой мобайнида моддий ёрдам ва болалар нафақаси тўланиши давом эттирилиши, боғча ва тўғарак харажати қопланиши, даволаниш ордери каби 110 та ижтимоий хизмат ва ёрдамдан 12 ой давомида қўшимча фойдаланилиши, бунга имкон берилиши инсонпарварлик намунаси бўлади.

Камбағаллиқни қисқартиришга доир ҳар бир дастур ва меъёрий ҳужжат, ҳар бир вазифанинг бажарилиши бўйича жамоатчилик

Фармон ва ижро

БОШ МЕЗОН — БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг 2025 йил 7 августдаги “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ушбу йўналишдаги ишларни юқори босқичга кўтаришга асос бўлиши шубҳасиз. Ушбу муҳим ҳужжат ҳокимлик ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тизimini такомиллаштириш билан бирга, давлат хизмати жозибadorлигини ошириш, юқори малакали кадрларни жалб қилиш, ишга янги, замонавий талаблар асосида ёндашиш, ташаббускорлик ва рақобатбардошлиқни кучайтиришга ҳам хизмат қилади.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарadorлиги агентлиги томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимлари фаолиятини энг муҳим самарadorлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолашнинг намунавий тартиби ишлаб чиқилди ва



Музаффар АКРАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Бошқарув самарadorлиги
агентлиги директори
ўринбосари

“

Дунё амалиётига назар ташланса, самарали бошқарув ҳар қайси мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги, жамият фаровонлиги ва умумий рақобатбардошлигини таъминлайдиган энг муҳим механизм эканини кўриш мумкин. Янги Ўзбекистоннинг бу йўлдаги ҳаракатлари ҳам глобал амалиёт билан ҳамоханг равишда давом этмоқда.

ўйлаймизки, бу тизим давлат хизматчиси фаолиятини ҳолис, адолатли ва натижага йўналтирилган тарзда баҳолаш ҳамда рағбатлантиришнинг энг илгор ва замонавий мезонига айланади.

Яқинда мазкур намунавий тартиб мазмун-моҳиятини тушунириш мақсадида Бошқарув самарadorлиги агентлиги

томонидан онлайн ўқув-семинар ўтказилди. Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари, агентликнинг ҳудудий филиалларидан 300 нафардан ортиқ масъул ходим иштирок этган семинарда намунавий тартибни ишлаб чиқиш сабаблари, унинг ҳуқуқий асоси,



Ихтиёр БЕКОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз 2023 йил 8 майда Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувдаги нутқида янгиланган Бош қонуннинг муҳим жиҳатлари ҳақида фикр билдирад экан, “Конституциямизда илк бор Ўзбекистон Республикасига ҳуқуқий давлат деган таъриф берилди. Бош қонунимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар ҳам 3 баробар қўпайтирилди. Бу — авваламбор барча соҳада қонун устуворлиги таъминланади, дегани”, деб алоҳида таъкидлади.

Конституциямиз қабул қилинганининг 33 йиллиги халқимиз учун жуда катта байрам. Шу билан бирга, Бош қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни, унинг инсон қадри ва адолатни таъминлашдаги мислсиз аҳамиятини яна бир бор чуқур англаб олиш учун муҳим фурсатдир. Шу маънода, Президентимизнинг Конституция кунини юксак савияда нишонлаш тўғрисидаги фармойиши нафақат байрам тадбирлари дастурини белгилади, балки Конституциянинг замонавий жамият ҳаётидаги чуқур ҳуқуқий, маънавий ва стратегик аҳамиятини яна бир бор эътироф этди.

Бугунги тез ўзгараётган дунёда мамлакатлар рақобатбардошлиги, давлат бошқаруви самарadorлиги, инсон ҳуқуқлари кафолати замон талабига мос янги конституциявий қоидалар ва институционал механизмлар орқали таъминланади. Янги тахрирдаги Конституция эса шундай замонавий ҳуқуқий ёндашувларни ўзида mujassam қилган. Унда инсон қадри, эркинлик, тенглик, ижтимоий адолат, халқ ҳокимиятчилиги ва қонун устуворлиги каби тамойиллар нафақат баён этилди, балки уларни ҳаётга таътиб қилишнинг амалий механизмлари ҳам қатъий белгилаб қўйилди.



КОНСТИТУЦИЯ —

ИНСОН ҚАДРИ, ЭРКИНЛИК,
ТЕНГЛИК ВА АДОЛАТ ГАРОВИ!

ЯНГИЛАНГАН ҚОМУСИМИЗ — ҲУҚУҚИЙ ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ



“

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалик сифатида барчамизга катта масъулият юклайди. Зеро, Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва қадриятларнинг кундалик ҳаётда акс этиши, унинг ҳар бир моддаси инсон манфаатига хизмат қилиши ҳар биримизга боғлиқ.

мулкни ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлашни такомиллаштириш, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш, спорт соҳасидаги имкониятларни кенгайтириш каби йўналишларда кузатилаётган иjobий ўзгаришлар ҳам ана шу конституцион тамойилларнинг амалий натижасидир.

Бу эса жамиятга оддий, аммо жуда муҳим ҳақиқатни аниглади: янги Конституция ҳар бир соҳани алоҳида эмас, балки умумий мақсад — инсон фаровонлигини таъминлашга қаратилган ягона ижтимоий-ҳуқуқий тизим сифатида бирлаштириб, ислохотларнинг изчил барқарор ривожини таъминловчи асосий пойдеворга айланмоқда.

Шу тариқа мазкур вазифаларнинг туб моҳияти халқ қўллаб-қувватлови билан янгиланган Конституция фалсафасини жамиятнинг ҳар бир қатламига етказиш, яъни инсон қадрини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш, жамият бирдмчилигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва янги Ўзбекистонда қонун устуворлигига таъинган замонавий давлат

жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшмоқда. Иловада ҳозир қарийб 66 минг фойдаланувчи рўйхатдан ўтган, 32 та ўқув курси жойлаштирилган ва 33 мингдан зиёд фойдаланувчи мазкур курсларни тугатиб, расмий сертификатга эга бўлган.

Бу рақамлар аҳолининг ҳуқуқий билимга эҳтиёжи ва қизиқиши ортиб бораётганидан адолат беради. Энг муҳими, “Ҳуқуқ мактаби” иловаси Конституцияда белгиланган ҳуқуқий маданиятни ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини кучайтиришга қаратилган вазифаларнинг амалдаги самарали ва замонавий механизmidir.

Бош қонунимиз нормаларини ёш авлод онгига изчил ва тизимли равишда етказишда Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари алоҳида ўрин тутмоқда. Хусусан, улар томонидан янги тахрирдаги Конституция асосида умумтаълим мактабларининг 8-11-синф ўқувчилари учун тайёрланган “Давлат ва ҳуқуқ асослари” дарсликлари ўқувчиларда Конституциянинг руҳи ва моҳиятини аниқлаш, уни ҳаётга таътиб этиш кўникмаларини замонавий методлар асосида шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Бош қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрини яна бир бор чуқур аниқлаш, унинг нормалари ҳар бир соҳада амал қилиши учун умумий масъулиятни ҳис этиш барчамиздан фаол фуқаролик позицияси, юқори ҳуқуқий маданият ва қонун устуворлигига садоқатни талаб этади. Чунки Конституция фақат ҳуқуқий ҳужжат эмас, у мамлакат тараққиётининг маънавий мезони, фуқароларнинг давлатга ва жамиятнинг келажакка ишончини мустаҳкамловчи асосий пойдевордир. Унга риоя қилиш эса ҳар биримиз учун нафақат конституциявий бурч, балки янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги фуқаролик масъулиятидир.

УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



сифатида жамиятимизнинг ўз келажagini онгли, масъулиятли ва изчил равишда барпо этишга қаратилган интилишлари ва савий-ҳаракатларини “Ватан учун, миллат учун,

Мазкур платформа аҳолининг ҳуқуқий билимларни мустақил, қулай ва замонавий шаклда эгаллаштини таъминлашга хизмат қилувчи инновацион лойиҳа сифатида



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz

Минтақавий ҳамкорликнинг янги моделини шакллантириш йўлида биргаликда ташланган қатъий қадамлар туфайли 2017 йилдан буён Марказий Осиёда тараққиёт ва шерикликнинг муҳим масалалари бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг 10 дан ортиқ резолюцияси қабул қилинди. Бу янги Ўзбекистон солномасида тарихий ҳодисадир, уни кейинги саккиз йилда эришилган натижа, халқаро доираларда тан олинган эътироф дейиш мумкин.



Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ, журналист

Бошланиши 1-бетда

Қатъий сиёсий ирода туфайли нафақат маҳкамланган эшиклар, балки ёпиқ қалбар ҳам очилди. Ёпиқ чегаралар, ҳал этилмаган баҳс ва низолар даври бугун тарихда қолди. Давлатларимиз ўртасида маданий-гуманитар, иқтисодий-сиёсий алоқалар тикланди. Минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаётида юзага келган ижобий муҳит унинг ахлат халқаро субъект сифатида барқарор шаклланишини таъминлади.

Ўзбекистоннинг дунёга очилиши минтақа ташқи сиёсатидаги векторларга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ҳозир Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, унинг бир минтақа сифатида бириктирилган томонлиги таъминлади.

Бирлик руҳи

Юрт тараққиёти, халқ фаровонлиги ва давлат барқарорлигининг энг муҳим омилларидан бири бирлик руҳидир. “Бирликда куч бор” ҳикмати бежиз айтилмаган. Бунинг замирида жуда катта маъно яширин. Чунки бирлашган эл ҳар қандай қийинчиликларни енгади, янада ривожланади, тараққий этади.

Ҳозирги глобаллашув даврида ҳар бир давлат ўзига хос муаммо ва синовларга дуч келмоқда. Бундай шароитда фақат бирдамлик, ҳамжихатлик ва ўзаро кўмак берувчи муҳит орқалигина муваффақиятга эришиш мумкин. Бирлашган халқ ҳар қандай қийинчиликни енгиб, буюк мақсадларга эриша олади.

Марказий Осиёда эса бирлик руҳи фақат иқтисодий ёки сиёсий манфаатлар билан чекланиб қолмайди. У халқларнинг умумий маънавий олами, тарихий хотираси ва ёш авлоднинг келажакка ишончи билан уйғунлашади. Ўзаро ҳурмат ва дўстлик тамойиллари минтақанинг глобал майдондаги нуфузини оширади.

Бугунги кунда минтақада бирлик руҳи янги мазмун касб этмоқда. Мамакатларимиз етакчиларининг аниқ мақсадга қаратилган сазй-ҳаракатлари туфайли Марказий Осиё ишонч, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳудудига айланди. Охириги йиллардаги сиёсат Ўзбекистон учун ҳам, минтақа учун ҳам янги даврни бошлаб берди ва минтақага “Бирлик руҳи” қайтди.

Марказий Осиёнинг замонавий халқаро муносабатлардаги роли ортиб бориши натижасида дунёда янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди. Қисқа даврда мамлакатимизда бошланган ўзгаришлар нафаси бугун минтақага таралиб, Марказий Осиё руҳини яратди. Жаҳон сиёсатшунослигида “Марказий Осиё руҳи” ибораси пайдо бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувлари муҳим ҳаётини масалаларни ҳал қилиш ва кўп қиррали ҳамкорликини сифат жаҳатидан янги мазмун билан тўлдириш борасида самарали платформага айланиб, том маънода минтақа тақдирини ўзгартириб юборди.

Минтақавий ҳамкорликнинг янги моделини шакллантириш йўлида биргаликда ташланган қатъий қадамлар туфайли 2017 йилдан буён Марказий Осиёда тараққиёт ва шерикликнинг муҳим масалалари бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг 10 дан ортиқ резолюцияси қабул қилинди. Бу янги Ўзбекистон солномасида тарихий ҳодисадир, уни кейинги саккиз йилда эришилган натижа, халқаро доираларда тан олинган эътироф дейиш мумкин.

Прагматик ва конструктив ташқи сиёсат туфайли қўшни давлатлар билан муносабатларимизда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар ҳал этилди. Ака-укаси, ота-боласи, қариндош яқинлари билан узилиб қолган алоқаларни тиклади. Халқларимиз ўртасида қўнда-андилик, қариндошлик алоқалари мустаҳкамланди.

Бугун Марказий Осиёда рақобатдан кўра ҳамкорлик, гина кудурату адоватдан кўра



Марказий Осиё руҳи

ТЎСИҚ ДЕВОРЛАР ДЎСТЛИК КЎПРИГИГА АЙЛАНГАН МИНТАҚА

Ягона мақсад сари бирлашув

Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёт даврини умумий ривожланиш асосида минтақадан айро тасаввур қилиш қийин. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати натижасида минтақада бутунлай янги, очик, соғлом ва дўстона сиёсий-иқтисодий, маданий-гуманитар муҳит яратилди.

Бугун минтақа янада барқарор, изчил ривожланиш траекториясига кириб, иқтисодий ва инвестицион фаоллик марказига айлانмоқда. Ҳозир у халқаро муносабатларнинг масъулиятли ва башорат қилинадиган субъекти сифатида глобал, минтақавий кун тартибидagi муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда. Бу, ўз навбатида, халқаро

тўғрисидаги шартнома имзолангани минтақа халқлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларига кенг йўл очди. Бу келишув уларнинг бутун минтақани тинчлик, барқарорлик ва ўзаро ҳамкорликда тараққиёт ҳудудига айлантириш, Марказий Осиёнинг барча давлатлари хавфсизлиги ва фаровонлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш қатъиятини яққол тасдиқлайди. Нафақат сиёсий, балки иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг истиқболларини очувчи ушбу қарор орқали давлатларимиз эски қарама-қаршиликларни енгиб ўтди, асосийси, бутун минтақа равақига йўналтирилган умумий келажакни биргаликда кура олишини амалда кўрсатди.

Хўжанда бўлиб ўтган тарихий учрашув узоқ ва муҳим босқичга яқин ясаган бўлса, уч мамлакат чегарасида очилган дўстлик теласи минтақавий биродарлик ва стратегик шериклик янги даврининг қудрати рамзи бўлди. Бу Президентимизнинг тинчликпарвар стратегияси самарадорлигини яққол намоян этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги чегараларни ҳақли равишда дўстлик ва яхши қўшничилик кўприги деб аташ мумкин. Ҳозир янги Марказий Осиё жаҳондаги етакчи давлатларни ўзига тортадиган минтақага айланди, дейишса, барча асосларимиз бор. Сабаби, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари доирасидаги мулоқотлар туфайли эски даврдан қолган қатор келишмовчиликларни бартараф этиш ва ишонсизликдан ҳақиқий ҳамкорликка ўтишга эришилди.

Масалан, ушбу формат 2018 йилда Остонада бўлиб ўтган биринчи учрашувдан буён кун тартибидagi асосий масалалар юзасидан фикр алмашиш ва позицияларни мувофиқлаштириш учун мустаҳкам майдонга айланди. Бир пайтлар тарқоқ давлатлар йиғиндис сифатида қабул қилинган Марказий Осиё бугунги кунда нафақат география ва тарихий, балки сиёсий, иқтисодий ва маданий жаҳатдан бирлашган ягона, жадал ривожланаётган минтақа сифатида намоян бўлаётди.

2022 йилда бўлиб ўтган Чўлпонота учрашуви яқунлари бўйича суверен тенглик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва минтақа келажиги учун биргаликдаги масъулият тамойилларини мустаҳкамлаган XXI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш мақсадларида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланиши шартномавий-ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилди.

Етажчиларнинг мунтазам учрашувлари хавфсизлик ва барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминлашдан тортиб, сув ҳамада энергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланишга қараб бўлган долзарб вазифаларни ҳал этиш бўйича ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини яратмоқда.

Ўтган даврда тарихий учрашувлардаги очик ва самарали мулоқотлар, илгари сурилган муҳим ташаббуслар, ишга туширилган кўп томонлама лойиҳалар ва дастурлар минтақа имижини тубдан ўзгартиришга хизмат қилди. Ўзаро савдо, инвестиция, юк ташиш ҳажми бир неча баробар кўпайди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Президентимиз раислигида бўлиб ўтган еттинчи Маслаҳат учрашуви эса том маънода барқарор, ўзаро боғлиқ ва фаровон Марказий Осиёни биргаликда барпо этишда янги босқични бошлаб берди. Мазкур саммит нафақат ўзаро яқинлашув рамзи, балки янги Ўзбекистон дипломатиясининг янги босқичга кўтарилганини кўрсатувчи воқеалиқдир. Минтақадаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, узоқ йиллик қардошлик ва стратегик алоқаларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этган ушбу саммит ўзаро ҳамкорлик йўлида янада бирлашишга қаратилган тарихий аҳамиятга эга анжуман сифатида ёдда қолиши шубҳасиз.

Дунё эътирофидagi ташаббуслар

Ўзбекистоннинг глобал ва минтақавий ташаббуслари нафақат Марказий Осиё, балки бошқа турли минтақаларнинг барқарор ривожига ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилапти.

Марказий Осиёда шаклланган мутлақо янги, ўзаро ишонч ҳамада яхши қўшничилик муҳити халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Ўзбекистоннинг ўзаро ишончга асосланиб яқин қўшнилари билан юри-таётган сиёсати минтақамизга янги мазмун, руҳ олиб кирди.

Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаган дипломатияси, асосий давлатларро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилиш учун оқилона муросяга тайёрлик Марказий



Осиёда тортишув ва келишмовчиликлардан ўзаро англашув ва ҳамкорлик сари стратегик қадарини таъминлади. Айнан Президентимиз доктринаси эвазига Марказий Осиёда вазият батамом ўзгарди.

Ушбу доктрина бугун нафақат минтақада, балки глобал сиёсатда ҳам устувор нуқтага айланиб бормоқда. У фақат Марказий Осиёни эмас, балки Афғонистондан то Европачага қамраб олган кенг маконни ўзаро боғлайдиган, барқарор тараққиёт ва мулоқотни таъминловчи доктрина сифатида юксалмоқда.

Тошкент саммитида илгари сурилган аниқ таклиф ва амалий ташаббуслар ҳам ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва шерикликка асосланган муносабатларни мустаҳкамлаш йўлидаги интилишларни яққол намоян этди. Ушбу ноёб формат минтақанинг тарихий алоқалари қайта тиклангани ва порлоқ келажидан гувоҳлик бераётди.

Зотан, илк учрашувдан буён ўтган қисқа даврда қўнда катта, аҳамиятга кўра тарихий йўл босиб ўтилди. Очик мулоқот ва биргаликдаги фаол сазй-ҳаракатлар натижасида минтақамиз учун долзарб қатор муаммоларга самарали ечимлар топилди. Ҳудудий масалалар узил-кесил ҳал этилиб, мамлакатларимиз ўртасида фаол савдо-инвестиция ва гуманитар алоқалар учун қўлай шароит яратилди.

Эътибор беринг, биргина ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 10,7 миллиард АҚШ долларига етди. Минтақамизга киритилган инвестициялар умумий ҳажми 17 фои кўпайди. Ҳамжихатлик ва умумий тараққиёт сари интилиш кучайиши эса Марказий Осиёнинг халқаро муносабатлар субъекти сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш ва глобал миқёсдаги ролини оширишга хизмат қилаётди.

Бу галги саммит нафақат Марказий Осиё, балки халқаро майдонда катта акс садо берди. У бошқа давлатлар ва минтақалар учун ҳамкорлик, ҳамжихатлик, мулоқот ва ўзаро сиёсий ишонч нуқтаи назаридан

намуна бўлмоқда. Етакчилар нутқида бир-бирига яқин ташаббуслар кўтарилгани минтақа давлатларининг халқаро майдонда яқдил чинакам субъектга айланиб бораётганини, овози баландроқ жаранглаётганини ёрқин ифода этди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида минтақа мамлакатлари тараққиётининг янги тарихий даврини бошлаб берадиган гоа, амалий ташаббусларни илгари сурди. Хавфсизлик ва иқтисодиётдан тортиб гуманитар ҳамкорлик ва ташқи сиёсатга бўлган барча муҳим соҳаларни қамраб олган, минтақавий тараққиётнинг комплекс “йўл харитаси”ни шакллантирадиган ушбу ташаббуслар аниқ характерга эга ва Марказий Осиёнинг сиёсий, иқтисодий бирлашувига стратегик йўл белгилашга қаратилгани билан диққатга сазовор.

Хусусан, Маслаҳат учрашувлари тўғрисидаги низоми ишлаб чиқиш таклифи минтақавий ҳамкорлики институционаллаштириш ва уни стратегик форматга кўтариш, давлат бошқарувида самарадорлик, тизимлилик ва шаффофликни оширишга қаратилган муҳим ташаббусдир, ушбу ҳужжат учрашувлар тартибини, қарор қабул қилиш механизмларини аниқ белгилаб беради. Унинг қабул қилиниши орқали Маслаҳат учрашувларини ташкил этиш, ўтказиш, қарорлар қабул қилиш, уларни ижро этиш каби институционал тартиблар йўлга қўйилади.

Мамлакатимиз етакчисининг савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича 2035 йилгача бўлган даврга мўлжалланган кенг қамровли минтақавий дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклифи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бундай стратегик ҳужжат минтақадаги давлатлар ўртасида иқтисодий барқарорлигини таъминлаб, ташқи сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларга нисбатан барқарор “йўл харитаси”ни яратди.

Президентимиз ҳозирги кундаги энг долзарб экология, иқлим ва сув ресурслари тақчиллиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Яъни 2026-2036 йилларни “Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилиш таклифи этди. Бу гоа Марказий Осиёда сув билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, барқарор ривожланиш таъминлаш ва минтақавий алоқани мустаҳкамлашга қаратилган стратегик ташаббусдир. Шу давр орасида давлатлар ирригацияни яхшилади, сув сарфини камайтирувчи технологиялар жорий қилди, сувни адолатли тақсимлаш бўйича ҳамкорлигини кучайтирди.

Озарбайжонни Маслаҳат учрашувлари форматида тўлақонли аъзо сифатида қўшиш тўғрисидаги принципал қарор эса Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ давлатлари ўртасида барқарор интеграция, савдо-иқтисодий ҳамада маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар эшигини очди. Бу орқали минтақанинг стратегик ўрни ва халқаро майдондаги овози сезиларли даражада мустаҳкамланади.



Умуман олганда, шу кунларда бутун дунё нигоҳи минтақамизга қаратилди. Бу замонавий дунёда Марказий Осиё ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини кўрсатади. Еттинчи Маслаҳат учрашуви эса тарихий воқеа сифатида минтақа ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш, фақат суҳбатлашув эмас, амалий ҳамкорликка кенг йўл очди. Зеро, у кўп қиррали келишувларга замин яратиб, бошқалар учун намуна бўла оладиган йўлди.

Маслаҳат учрашуви ва Президентимиз нутқи Марказий Осиёнинг геосиёсий манзарасида кескин бурилиш ясаб, минтақанинг эндиликда фақат ташқи кучлар таъсир майдони эмас, балки ўз стратегик манфаатларини шакллантира оладиган мустақил марказ сифатида шаклланаётганини яққол намоян қилди. Қабул қилинган қатор стратегик ҳужжатлар амалга ошса ва бу йўл тўғри босиб ўтиса, бу йилги учрашув тарихда “белги”дан “амалий интеграция”га ўтган минтақавий муҳим нуқта сифатида ёзилиши мумкин.

Бинобарин, бугунги Марказий Осиё фақат геосиёсий ҳудуд эмас, балки интеграция, ҳамжихатлик ва барқарор тараққиёт моделига айланиб бораётган макондир. Чунки янги Марказий Осиё деворлар қуришга эмас, кўприклар барпо этишга интиломоқда. Бу кўприклар орқали халқлар яқинлашади, ўзаро алоқалар янада мустаҳкамланади. Бу кўприк билан келажакка олиб борадиган йўллар янада кенгайди.

Тошкент саммити эса минтақада дўстлик, ҳамжихатлик ва ҳар томонлама ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, барчамиз учун умумий бўлган барқарор, хавфсиз Марказий Осиёни барпо этишга хизмат қилиши шубҳасиз. Президентимиз таъкидлаганидек, “Бизнинг кучимиз — бирликда, муваффақият сари йўлимиз — дўстлик ва ҳамкорликда. Фақат ҳамжихат бўлиб, ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва стратегик ёндашувларга таяниб, эзгу мақсадларимизга эришишимиз мумкин”.

66

Президентимиз “Фермер бўлдингми — даромад қил”, деб бежиз таъкидламайди. Чунки фермер яхши даромад қилмас экан, унинг эртанги агротехник тадбирларни ўтказиши ҳамда янги техника ва бошқа зарур ресурсларни харид қилиш имконияти бўлмайди.



Ўктам МАШАРИПОВ,
Хоразм вилояти ҳокимининг
қишлоқ ва сув ҳўжалиги
масалалари бўйича
ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Пахта экиладиган майдонлар қисқариши, фермер ҳўжаликлари ва кластерлар ўртасида эркин шартномавий муҳит яратилиши ерга муносабат ижобий тарафга кескин ўзгаришига олиб келди. Олдинги даврларда фермерлар рақамлар, режалар ортидан қувиш сиёсати оқибатида экин ерлари ҳолатидан қатъи назар, пахта экишга, етиштирилган ҳосилни эса фақат шу ҳудуддаги қабул масканига топширишга мажбур бўлган бўлса, энди мақбул контурларига ихтиёрий жойлаштириш ҳамда ҳосилни биржа савдолари орқали эркин сотиш имкониятига эга бўлди.

Натижада паст балл бонитетли, пахта ҳосили 15-20 центнердан ошмайдиган майдонларга ҳам чигит экиб, ортиқча сарф-харажат қилиш оқибатида иқтисодий зарар кўриш амалиётига чек қўйилди. Пахтадан қисқарган ер аҳолига белгиланган тартибда ажра-

Бандлик

Жиззах вилоятининг тоғ бағрида жойлашган Янгиобод тумани гўзал табииати ва меҳнатсевар инсонлари билан машхур. Ўттиз мингдан зиёд одам истикомаат қиладиган туман энг чекка ва кичик ҳудудлардан. Унинг маркази — олдинги Баландчақир қишлоғи Янгиобод номи билан энди-энди шаҳарча қиёфасини касб этмокда.

Янги Ўзбекистондаги кенг қамровли ислохотлар туфайли бу ердаги ҳаёт тарзи ҳам тубдан ўзгарди. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари ҳудуд аҳлига ўзгача кўраринки руҳ бағишлади. Бир пайтлар асосан, чорвачилик ва деҳқончилик билан кун кўрган туман аҳли бугун янги имкониятлардан унумли фойдаланмокда. Аҳоли орасида ташаббускорлик, меҳнатсеварлик ва тадбиркорлик кучайди. Айниқса, ёшлар имкониятни вақтида илгаб, туманнинг ўзида даромад топишга ҳаракат қилмокда. Ўз навбатида, ҳудудда замонавий савдо марказлари, хизмат кўрсатиш шохобчалари ва ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилмокда. Бу эса аҳолининг турмуш сифати ва ижтимоий фаоллигини оширапти.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағаллиқни қисқартириш ва ҳар бир фуқаронинг ишлаб, даромад топишга шaroит яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири, — дейди Янгиобод тумани камбағаллиқни қисқартириш ва бандликка қўмақлаштиш бўлими бошлиғи Анвар Жўраев. — Иил бошида туманимизда камбағаллик даражаси 11,7 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 8,8 фоизга тушди. Айни пайтда 87 та камбағал оила билан индивидуал ишлашмиз. Уларга имтиёзли кредит ва иш жойлари тақлиф этилди. Натижада эҳтиёжмандларнинг 35 фоизи камбағалликдан чиқарилди. Жорий йилда туманимизда қарийб 4 минг 500 та янги иш ўрни очил режалаштирилган. Аҳамиятлиси,



ХОРАЗМЛИК ДЕҲҚОНЛАР – ИККИ ҚАРРА ҚАҲРАМОН

тиб берилиб, уларни иш билан таъминлаш, озиқ-овқат махсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш имконияти яратилди.

Илгари ерларимиз нотекислиги боис, шўр ювишдан тортиб вегетация даврида сугориш ишлари ҳам талаб даражасида бўлмас, фақат тукли чигит экилар, бу эса ортиқча харажат талаб қиладиган қатор агротехник тадбирлар ўтказишга олиб келар эди. Бундан ташқари, биостимуляторлар, ўсиш-ривожланишни бошқарувчи препаратлар ўз муддатида ва меъёрида қўлланилмаслиги, яғналаш орқали кўчатлар сийраклашиб қолиши, чилпиш, дефолиация кечикиб ўтказилиши, етиштирилган ҳосилни терим машиналари йўқлигидан фақат қўлда териб олиш оқибатида ёгин-соинчи қунарга қолиб, ҳосилнинг кўп қисми чегирмалар билан пастки навларга сотилиши ҳам ўз таъсирини ўтказар эди.

Кейинги йилларда қатор имтиёзлар асосида пахтачиликда ижобий ўзгаришлар юз берди. Энг аввало, хориждан ҳашаротлар ва касалликларга чидамли, эртапишар, ҳосилдор, тола чиқими ва сифати юқори нав уруғликларини олиб келиш ва экишга руҳсат берилиши пахтачиликда муҳим бурилиш бўлди. Соҳа мутахассислари томонидан Хитой, Туркия ҳамда Ҳиндистоннинг уруғчилик компаниялари билан яқин алоқалар ўрнатилиб, вилоят шароитига мос навлар олиб келинди. Хитой “Ti-an-E” компаниясининг “Xin-Lu-Zao-78”, Туркия Livagro компаниясининг “Eliza”, “Livzara”, Ҳиндистон “Nath Bio Genes” компаниясининг “NECH-6” навлари экилди. Ушбу навларга мансуб чигит экилган майдонлар 2024 йилда 8 минг 200 гектарни ташкил қилган бўлса, 2025 йилда 22 минг 600 гектарга, яъни умумий пахта майдонининг 32 фоизига етказилди. Вилоятнинг соҳа мутахассислари ҳамда илгор фермерларидан иборат делегацияси Туркия ва Хитойда бўлиб, уруғлик чигит етказиб берувчи компаниялар фаолияти билан яқиндан танишди.

Шунингдек, анъанавий чигит экиш услуги ва экиш сеялкаларидан уруғни аниқ уялаб экидиган пневматик сеялкаларга ўтилиб, иш унумдорлиги орттишига, чигит сарфи камайишига эришилди.

2024 йилгача 69 та шунақа замонавий сеялка мавжуд бўлган бўлса, 2025 йилда 246 тага етказилди. Улар тақилган тракторларнинг асосий қисмига “JPS” ускуналари ўрнатилиши иш унумдорлигини ошириш, экишни қисқа муддатларда яқунлашга имконият яратди. Олдинги пайтларда экиш мавсуми бир ойлаб давом этган бўлса, жорий йилда 10 иш кунда яқунланди.

қолинди. Яғналаш ва ўтоқ қилиш каби ортиқча тадбирларга барҳам берилди.

Шу ўринда “Шинжон” усулида плёнка остига экилган майдонлар бўйича алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. 66 x 10 см семада экиш учун 85 та сеялка келтирилиб, 250 дан ортиқ фермер ҳўжалигимизда 7300 гектар майдонда плёнка остига чигит экилди. Ушбу майдонларда 220 минг тулпача кўчат сақлаиб қолиши, плёнка остига бирийла томчилатиб сугориш ускуналари ўрнатиб кетилиши, ўғит ҳам томчилатиб сугориш тизими орқали берилиши, етарли намлик ва иссиқлик натижасида оддий усулдагига нисбатан эртаги ва юқори ҳосил етиштирилди.

2026 йил ҳосили учун ушбу усулда экиладиган майдонлар ҳажмини кўпайтириш мақсадида қўшимча равишда экиш

сеялкаларини лизинг асосида харид қилиш бўйича ишлар олиб борилмокда.

Пахтачиликда эртчи ва юқори ҳосил етиштириш учун замонавий ўсиш-ривожланишни бошқарувчи препаратлар, дефолиантларнинг мутахассислар назорати ва тавсияси асосида ўз муддатида ҳамда меъёрида ишлатилиши ҳам самарасини кўрсатди.

Жорий йилги пахта ҳосилининг асосий қисми терим машиналарида йиғиштириб олиниши пахтачилигимизда яна бир янги қадам ташлалиниш бўлди. Агар ўтган даврларда ҳосил фақат қўлда териб олиниб, 100 мингдан ортиқ теримчи қатнашган бўлса, бу йил ҳосилнинг 50 фоиздан ортиги машиналарда териб олинди. Бунинг учун 2025 йилнинг ўзида имтиёзлар билан лизинг асосида АКШнинг “John Deere”, Хитойнинг “BOSHIRAN”, “FM WORLD”,



“SWAN” ҳамда Туркиянинг “GANSА” русумли жами 78 та янги пахта териш машинаси харид қилиниб, вилоят бўйича 143 тага етказилди. Натижада эса теримчилар сони бир неча баробар камайишига эришилди.

Ҳозир келгуси йил ҳосили учун дастлабки ва энг асосий агротехник тадбир бўлган кузги шудгорлаш яқунланиб, қатор фермер ҳўжаликларида ерни текислаш ҳамда шўр ювиш тадбирлари ўтказилмокда.

Президентимиз “Фермер бўлдингми — даромад қил”, деб бежиз таъкидламайди. Чунки фермер яхши даромад қилмас экан, унинг эртанги агротехник тадбирларни ўтказиши ҳамда янги техника ва бошқа зарур ресурсларни харид қилиш имконияти бўлмайди. Шу сабабли иқтисодий кўрсаткичлар

тиндирилган уруғлари 33,2 минг гектар майдонга экилди. Экиш сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида бошланиб, 10 октябрда яқунланди ҳамда барча майдонлардан тўлиқ кўчат ундириб олинди. Бугунги кунда бугдой ниҳоллари тулпаш фазасида ривожланмокда.

Хоразм воҳаси Амударё ҳавзасининг қуйи қисмида жойлашгани сабабли қадим-қадимдан сув таңқислиги деҳқончиликка жиддий таъсир кўрсатадиган, ҳар бир томчи сув қадрланадиган, ўзига хос ирригация ва мелiorация тизимларига эга ҳудуд ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, воҳада сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини ва сув таъминоти яхшилаш ҳосил тақдирини ҳам қилувчи муҳим омил саналади. Вилоятда 266,4 минг гектар сугориладиган ернинг

263,2 минг гектари (98,8 фоиз) турли даражада шўрланган.

Деҳқончилик қилинадиган майдонларда сув таъминотини яхшилаш, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, соҳага ресурс тежамкор технологияларни жорий қилиш бўйича ҳам режалли ишлар амалга оширилмокда. Айниқса, бу соҳага давлат томонидан катта миқдорда маблағ ажратилаётгани, қатор имтиёзлар ва субсидиялар берилаётгани деҳқонларимиз учун жуда катта мадад бўлмокда.

Вилоятда сўнгги 5 йилда қарийб 213,5 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилиниб, уларнинг умумий кўрсаткичи сугориладиган ер майдонларига нисбатан 80 фоизга

етказилди. Бундан ташқари, 100 фоиз қишлоқ ҳўжалиги экин ерлари лазер ёрдамида текисланди. Натижада эса бир масмасда 970 миллион кубометр сувни иқтисод қилишга эришилди. Бу эса фойдаланишдан чиқиб кетган 20 минг гектарга яқин ерни сув билан таъминлаб, йилгига қўшимча 250 минг тоннадан зиёд қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиштириш ёки 10 мингдан зиёд ишсиз қишлоқ аҳолисини банд қилиш имкониятини яратди.

Вилоятда 115,5 минг гектар майдонни сув билан таъминлаш учун харажатлари бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган 299 та насос станцияси хизмат қилиб, уларда турли қувватдаги жами 555 та агрегат ўрнатилган. Насос станцияларидан самарали фойдаланиш учун бюджет ҳисобидидаги 32 та насос станцияси давлат-хусусий шериклик бошқарувида берилди. Шунингдек, электр энергиясини иқтисод қилиш мақсадида насос станцияларга 25 та ресурс тежамкор электродвигатель, 20 та насос, частота ўзгартирувчи 7 та қурилма ўрнатилиб, 2025 йилда 3 миллион кВт электр энергияси иқтисод қилинди.

Ирригация тармоқларидаги сув йўқотишларининг бир қисми обихаётнинг ер остига сингиб кетиши билан боғлиқ. Бунинг олдини олиш мақсадида вилоятда 2024-2025 йилларда давлат дастурлари, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 40 километр канал, ҳўжаликларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1 минг 600 километр ҳўжаликлараро ва ички ариқ бетонланди, 507 километр ариқда тозалаш-қазиш ишлари амалга оширилди ҳамда бу давом эттирилмокда.

Ўтган йил Хонқа туманидаги “Тўтижон Бекметова” фермер ҳўжалигида жорий қилинган сув насосларининг электр таъминотини қуёш панеллари ёрдамида амалга ошириш тахрибаси бутун республикамиз бўйлаб кенг татбиқ этилди. Бугунги кунга келиб вилоятимиздаги аксарият фермер ҳўжаликлари бу янгиланиш амалда қўллаб, яхшигина даромад олмақларда.

Вилоят сув ҳўжалигида ҳам рақамлаштириш жараёнига жадал давом этмокда. Бу қишлоқ ҳўжалигига йўналтирилаётган ҳар томчи сувнинг қатъий ҳисоб-китоб асосида сарфланишини таъминлайди, беҳуда исроф бўлишининг олдини олади.

Айни кунларда вилоятдаги барча агро-кластерларда, фермер ҳўжаликларида келгуси йил ҳосили учун пухта тарадуд қўрилмокда. Қишқи дала қомушлари ўз муддатларида бажарилиб, улкан хирмонларга мустаҳкам замин яратилмокда.



МЕҲНАТ ҚИЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ



— Ўзимизнинг шароитта мослашган лимоннинг серхосил навларини парвартириш қиламиз. Улар совуққа чидамли бўлгани учун махсус иситиш шартмас. Икки сотих иссиқхона бор. Ундан ҳар йили икки тонна лимон оламиз. Ҳар тулп лимон 250-300 килогача ҳосил беради. Бултур икки тоннадан ортиқ лимон олиб, килосини ўртача 30 минг сўмдан сотдим. Харажатида ташқари 100 миллион сўм соф даромад олдик.

Цитрус мева етиштиришда яхши тажриба орттирган қаҳрамонимиз лимон кўчатларини парвартиришнинг ҳам йўлга қўйган.

— Ҳар йили минг тулпача қаламча тайёрлаб, талабгорларнинг иссиқхонасига олиб бориб экиб берадим. Бу йил 2 минг тулп лимон қаламчаси тайёрладим. Насиб қилса,

баҳорда сотаман. Ҳозир қишлоғимизда 30 дан зиёд иссиқхонада лимон етиштирилади. Ҳаммасини ўзим экиб берганман, — дейди у фахр билан. — Мамлакатимизда камбағал оила бўлиши мумкин эмас. Давлатимиз томонидан аҳоли учун барча зарур шарт-шaroит яратилган. Шулардан фойдаланиб, фақат ишлаш керак. Шахсан ўзим меҳнат қилиб, кам бўлмадим. Шунинг орқасидан тўй қилдим, уй таъмирладим, фарзандларимни ўқитдим. Ҳозир “Олма пиш, озимга туш”, деб қараб турадиган пайт эмас. Одамнинг ўзида озгина ҳаракат бўлса, Яратган барака бериб, албатта, бири икки бўлади.

Шодлик маҳалласидаги Аваз Холимироев хонадони ҳам меҳнатнинг нури, файзи билан тўлган. У томорқасида товуқхона қуриб,

зотдор товуқ боқади. Ҳар куни 80-90 та туҳум олади.

— Кўнлик 150 минг сўмгача даромад қиламиз, — дейди у. — Товуқлар сонини 2 мингтага етказиб, катта ферма қуриш ният бор.

Бундан ташқари, қаҳрамонимиз фақат паррандачилик билан тўхтаб қолмади. 30 сотих ерда писта ва арча кўчатларини етиштиряпти. Бу оила бюджетига яна қўшимча даромад дегани.

— Сувсизликка чидамли, иқлимга мослашган қарағай кўчатларимиз бор. Ҳозир минг тулпдан ортиқ уч йиллик қарағай парвартиряяпмиз. Уларни ўзим уруғидан экканман. Насиб қилса, баҳорда сотувга чиқарамиз. Битта кўчат нархи ҳозир ўртача 25 минг сўм. Кўчатчиликдан ҳам ҳар йили 15 миллион сўмгача даромад қиламиз, — дейди Авазбек.

Баландчақир маҳалласида яшовчи Санжар Маманазаров тижорат банкидан 40 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Бунинг эвазига хонадонда алюминий профилдан эшик-дераза ишлаб чиқарадиган оилавий корхона очди. Ўзидан ташқари яна тўрт ҳамқилишогини иш билан таъминлади.

— Халқимизнинг қурилиш ишлари кўпайган. Шунинг учун алюминий профили эшик-деразаларга талаб катта, — дейди Санжар Маманазаров. — Бу одамларнинг турмуш шароити яхшиланаётганидан дарак.

Кредитимни деярли қайтариб бўлдим. Келгуси йили яна имтиёзли кредит олиб, цехимизни кенгайтирмоқчиман. Ўз навбатида, янги иш ўринлари очиб, шогирдлар тайёрлаб, юртимиз равнақига ҳисса қўшмоқчиман.

Янгиобод аҳли нафақат давлат қўллаб-қувватловидан, балки табиий шароитлардан ҳам унумли фойдаланмокда. Масалан, Баландчақир маҳалласидаги баъзи оилалар уй шароитида балиқ етиштирмокда.

— Таваккал қилиб, тўплаган маблағимизни балиқчиликка йўналтирдик, — дейди оила бекаси Гулчехра Ҳайдаркулова. — Рост, аввалига қандай бўлар экан деган иккиланиш бор эди. Оддий сув билан қишлоқ шароитида ҳам бозоригр балиқ парвартирилса бўларкан. Ҳозир ҳовузимизда бир тоннагача балиқ бор. Унга қарашнинг ҳам ўзига яраша қийинчилиги мавжуд, аммо даромади ҳам яхши. Муҳим балиқларга қараб, уларнинг кундан-кунга катталашаётганини кўриб завқ оламиз, чарчогимиз чиқади.

Ҳўжамушкент зиёратгоҳи — Янгиободнинг маънавий кўргони. Баҳор ва ёз фаслларида бу ерга маҳаллий ва хорижий зиёратчилар, сайёҳлар кўп келади. Ҳўжамушкентликлар ҳам тадбиркорлик ҳадисини олган. Маҳалладаги аёллар миллий таомлар, кийим-кечак ва сувенирлар ясаб сотади. Хусусан, қурут тайёрлаш билан шуғулланувчи 30 га яқин оила бор.

— Март ойидан сентябргача шу иш билан шуғулланамиз, — дейди Латофат Султонова. — Ҳар ҳафта бозордан 100 кило чакки қаттиқ олиб келиб, қурут тайёрлаймиз. Бир ойда беш-олти миллион сўм даромад қиламиз.

Кичик бизнес тармоғи аҳолининг турмуш даражасини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмокда. Бунга Янгиобод тумани мисолида ҳам қўриш мумкин. Ҳудудда тадбиркорлик фаолияти кенгайиши, саноат корхоналари ишга тушиши, томорқа ва маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланиш натижасида юзлаб оилаларнинг даромади ошди, камбағаллик даражаси пасайди. Шу боис, Янгиобод бугун фақат тоғ бағрида эмас, меҳнат бағрида ҳам қайта тулпаятган тумандир. Бу ерда ким билан суҳбатлашсангиз, бир ҳақиқатни илғайсиз: меҳнат қилган ҳеч қачон кам бўлмайди. Ҳа, янгиободликлар бу ҳикматнинг маъносини ҳаёти ва фаолияти билан исботламокда.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

